



## БИСМИЛЛОХИР-РАХМОНИР-РАХИМ

Хамд ангаким, каломи хайрмаол  
Килди элга расулидин ирсол.  
Ул расулеки, хам каломи фасих  
Элга тегурди, хам хадиси сахих,  
То улус жахлдин халос бўлуб,  
Илм хилватгахига хос бўлуб,  
Чун тамукдин нажот топкайлар,  
Ужмох ичра хаёт топкайлар.  
Жалла зикрух зихе илохи рафиъ,  
Азза кадрух зихе расули шафиъ.

## САБАБИ ТАЪЛИФИ МАНЗУМА

Ул сафо ахли пок фаржоми,  
Покфаржому покфар Жомий.  
Ул якин сори дастгир манга,  
Киблаву устоду пир манга  
Ки тутубдур жахонни таснифи,  
Назм девони, наср таълифи.  
Чунки хижратдин эл аросида сўз  
Сексан олти эди-ю секкиз юз,  
Ким яна тухфае аён килди,  
Тухфа йўк, турфае баён килди.  
Ўкугонда бухориу муслим  
Кирк сўз борча шубхадин солим.  
Наср ила назмни мураккаб этиб,

Форсий лафз ила мураттаб этиб,  
«Арбаъин»е чикардиким, жонлар  
Балки кирк арбаъин чикоргонлар.  
Топтилар анда нашъаи максуд,  
«Арбаъин»дин нечукки, ахли шухуд,  
Форсийдонлар айлабон идрок,  
Орий эрди бу нафъдин атрок.  
Истадимки, бу халк хам бори  
Бўлмагайлар бу нафъдин орий.  
Мен демакни чу муддао айлаб,  
Ул ижозат бериб дуо айлаб.  
Муддао чун бори савоб эрди,  
Хар дуо килса, мустажоб эрди.  
Бир-ики кунки эхтимом эттим,  
Кўз тутардин бурун тамом эттим.  
Бор умидимки, шохи шаръойин  
Ким, набий шаръига берур тазйин,  
Улки аврок ароки солгай кўз,  
Айлагай кўнглига асар бори сўз.  
Насридин даги бахравар бўлгай,  
Назмдин даги бохабар бўлгай.  
Бу кун ўлса хадисларга мутӣъ,  
Тонгла бўлгай мухаддис анга шафиъ.

1. Ло юъмину ахадукум хатта яхиббу ла ахихи ма юхиббу ли нафсихи.

Мўъмин эрмастур, улки иймондин  
Рўзгорида юз сафо кўргай,  
Токи кардошига раво кўрмас –  
Хар неким ўзига раво кўргай.

2. Ман аъта лиллахи ва манаъа лиллахи ва ахабба лиллахи ва абгаза лиллахи  
факад-исътакмала ийманаху.

Кимгаким хуббу бугзу манъу ато  
Хак учун бўлди жазм бил они,  
Ким эрур Тенгри лутфидин комил  
Ахли иймон кошида иймони.

3. Ал-муслиму ман салим ал-муслимуна мин ядихи ва лисониhi.

Ким муслумонлиг айласа даъво  
Чин эмас гар фидо килур жонлар.  
Ул муслумондурурки, солимдур.  
Тилию илгидин муслумонлар.

4. Хислат аъни ло яжтамиъани фи мўъминин ал-бухлу ва суъ ул-хулки.

Мўъмин эрсанг килиб дуррингни нисор,  
Эл била равшан ўл нечукким шамъ.  
Негаким, Тенгри хеч мўъминда,  
Бухлу бадхўйлукни килмади жамъ.

5. Яшибу ибну адама ва ташуббу фиhi хислатони ал-хирсу ва тул ул-амали.

Одамига агарчи вокеъ эрур  
Кариган сори барча ишда халал.  
Икки феъли вале йигитрак ўлур:  
Бири хирсу бириси тули амал.

6. Ман лам яшкуриннаса лам яшкуриллаха.

Улки холикга шукр дер, аввал  
Шокир ўлмок керак халойикдин.  
Кимки, махлук шукрини демагай,  
Демагай даги шукр холикдин.

7. Ман лам ярхаминаса ла ярхамхуллоху.

Тенгридин рахм агар тамаъ килсанг,  
Аввал ўлмок кераксен элга рахим.  
Хар кишиким улуска рахм этмас,  
Анга рахм айламас рахими карим.

8. Ад-дунё малъунатун ва малъунун ма фийха илла зикраллохи таоло.

Дунёву хар не андадур мавжуд  
Бўлди хак лаънати гирифтори.  
Гайри хак зикриким, эрур зокир  
Тенгрининг рахмати сазовори.

9. Луъина абд уд-динари ва луъина абд ул-дирхами.

Рахмат озодагаки ул олмос,  
Дахр динору дирхамин гамга.  
Лек лаънат ангаки кул бўлгай:  
Хох динору хох дирхамга.

10. Дум ала-т-тахорати ювсаъу алайка-р-ризку

Гар хамиша тахоратинг бўлса,  
Оригай фока чирки ул сувдин.  
Тохир ўл истасанг фузун рўзий,  
Хосир улким йитурди бул сувдин.

11. Ла юлдаг ул-мўъмину мин жухрин вохидил марратайни.

Эйки, бир неш етти музйидин  
Кўнглунга неча узайса, ётла.  
Чунки мўъминни тишламас харгиз,  
Бир тўшукдин йилон ики катла.

12. Ал-ваъдату дайнун.

Кимки хар кимга ваъдае килди,  
Шарт эрур ваъдага вафо килмок.  
Ваъдаким килдинг уйладурким дайн,  
Фарздур карзни адо килмок.

13. Ал-мажолису бил-амонати.

Кайси мажлисдаким эшитсанг сўз,  
Билгил ул сўз санга амонатдур.  
Гар ани ўзга ерда накл этсанг,  
Ул амонатга бу хиёнатдур.

14. Ал-мусташору муътаминун.

Хар кишиким бировни махрам этиб,  
Машваратда амини роз этти,  
Гар яшурди билиб салох сўзин,  
Ўзини калбу хийласоз этти.

15. Ас-самоху рабахун.

Мол базл ила суд агар тиласанг,  
Окибат чун ўлум эрур мавжуд.

Асрагон колур, улки базл эттинг  
Санга хамрох борурдин эттинг суд.

16. Ад-дайнун шайн уд-дини.

Ахли дин ул дурурки килгай адо,  
Бот агар зиммасинда дайн ўлгай.  
Дайн адоси чу дин аломатидур,  
Беадолик динга шайн ўлгай.

17. Ал-каноъату молун ла яфна.

Хирсдин кечгил ул гамедурким,  
Хадду гоят эмас анга пайдо.  
Тут каноатки, ул эрур моле  
Ки, ниhoят эмас анга пайдо.

18. Навм ус-субайхати ямнаъ ур-ризка.

Субх уйкусин улки айлар тарк  
Ризку рўзин ўзига тўш кўргай.  
Улки гафлатдин этти навми сабух,  
Бу шарафни магарки туш кўргай.

19. Офат ус-самохати ал-манну.

Хар кишига риоате килсанг,  
Миннат ўткармагил гумонингга.  
Негаким ул кишига офат эрур,  
Юкла миннат ва лек жонингга.

20. Ас-саъиду ман вуъиза бигайрихи.

Элга не келса айламас панд,  
Улки кўнглини килди гафлат банд.  
Кимки панд олди элга тушгандин,  
Они билким, эрур саодатманд.

21. Кафа билмаръи исман ан юхаддиса бикулли ма ясмаъу.

Бу ёзук бас кишигаким, элдин  
Хар на сўзким эшитти фош этти.  
Тог эшитганни дер, гунохидин  
Гўйё Тенгри они тош этти.

22. Кафа билмавти ваъизан.

Воизинг бас ато-ано ўлуми,  
Ким аларча эрур санга носих.  
Воизе ул ким айтуру килмас,  
Эрур ул воизинг мунга рожих.

23. Хайр ун-наси ман янфаъули-н-наси.

Халк аро яхширок, дединг, кимдур?  
Эшитиб, айла шубха рафъ андин,  
Яхширок бил ани улус ароким,  
Етса кўпрак улуска нафъ андин.

24. Инналлоха юхиб ус-сахл ат-талка.

Хак сени севгай эл била бўлсанг,  
Тилу кўнглунгни килиб якрўй,  
Нукта сурсанг шукуфтау хандон,  
Зист килсанг кушодау хушрўй.

25. Тахаду тахаббу.

Дўстлашинглар хадиялар беришиб,  
Бахра топкон хирад атиясидин.  
Худ жахонда атияе борму,  
Яхширок дўстлик хадиясидин.

26. Утлуб ул-хайри инда хисонил-вужухи.

Эйки, бир ишда хожатинг бўлса,  
Яхши юзлукдин иста бахшойиш.  
Токи бахшойишидин аввалрок  
Кўрмагидин етушгай осойиш.

27. Зур габбан таздад хуббан.

Бир-бирин дўстлар агар гах-гах,  
Кўрсалар, дўстлук ўлур голиб.  
Шавкдин ихтилот ўлур матлуб,  
Васл учун орзу ўлур толиб.

28. Туба лиман шагалаху айбуху ан уюб-ун-наси.



Эй хушо улки, айб кўрмамак ила  
Юз хунарвар маротибин топкай.  
Яъни ўз айби пардаси кўзига  
Ўзга эл айби чехрасин ёпкай.

29. Ал-гинал-яъсу мимма фи айдин-наси.

Бойлиг истар эсанг эл илгидин  
Хар на кўрсанг боридин ўл навмид,  
Бул гино, баски, халқдин кечибон  
Тутсанг уммид ҳақдин-ўк жовид.

30. Мин хуснил ислом ил-маръи таркуху ма ла юйбухи.

Кимки ислом кўзгусида тилар  
Хар замон ўзга бир сафо мавжуд,  
Кечсун ул навъ борча ишдинким,  
Тенгри рози эмас, улус-хушнуд.

31. Лайса аш-шадиду бисиръати иннама аш-шадид ул-лазийна ямлику нафсаху инд ал  
газаби.

Эмас ул пахлавонки ўз кадрин  
Бош уза элтибон нигун килгай.  
Пахлавон они билки етса газаб  
Нафси амморани забун килгай.

32. Лайс ал-ганию ан касрат ил арзи иннамал-га-нию нафси.

Бой эмас улки, мол касратидин

Кўрмагай фокау талаб ранжин.  
Они билким, худой бермиш анга  
Нафси аммора таркини ганжин.

33. Ал-хазму суъ уз-занни.

Хазм боис дурур ангаки, мудом  
Иши эл сори бадгумон ўлгай.  
Доимо эҳтиёт этар ангаким,  
Кайдлардин хама амон ўлган.

34. Ал-илму ла яхиллу манъху.

Эй хирадманд олимеки, санга  
Илмдин рўзий айлади сонёъ.  
Киши ўрганса килмагил махрум,  
Ёки нафъ олса бўлмагил монёъ.

35. Ал-калимат ут-таййибату садакатун.

Яхши сўз бирла хожат ахлин сўр,  
Бермасанг яхши тўъмадин нафака.  
Не учунким расул кавли билан-  
Яхши сўз бордур уйлаким садака.

36. Касрат уз-зихки юмийт ул-калба.

Асру кўп кулмаким, ўлар эрмиш,  
Зинда дил кўнгли кулгу касратидин.  
Муни хар кимки билди кўнгли била,

Кулмагай ўлса кўнгли хасратидин.

37. Ал-жаннату тахта ақдоми уммахати.

Оналарнинг оёғи остидадур  
Равзаи жаннату жинон боғи.  
Равза боғи висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

38. Ал-балоу муаккалун бин-нутки.

Деди кўп сўзлаган хато кўп этар,  
Улки дерлар ани валиюллох.  
Хар балоким етар-эрур сўздин,  
Буйла ҳукм айлади набиюллох.

39. Ан-назару илал маръатил-ажнабияти сахмун мин сихами иблиса.

Солма кўз кимса бўлса номахрам,  
Гарчи нафсинг топар назорада суд,  
Ки назарким харом-шайтоннинг  
Новакидур ва лек захролуд.

40. Ло яшбаъ ул-мўъмину дуна жорихи.

Кимки мўъмин дурур қачон чидагай,  
Ким ўзи тўқу кўшни бўлгай оч.  
Анга доғи керак етурса насиб,  
Хонида гар қулочу хохи умоч.

Эйки, шахсингни холики фаттох  
Деди: «Хаммарту арбаъина сабох»,

Эрур ул арбаъининг аввали хол,  
Айла бу «Арбаъин» била аъмол,

Ки бу навъ икки «Арбаъин» мавжуд  
Булса, шоядки топкасен максуд.

Етса максуд муддао бирла  
Мени ёд этгасен дуо бирла

Ки, Навоийга ул дуо етгай,  
Булбули рухига наво етгай.

Вал-хамду лиллахи ала тавфики хаазл-арбаъинк вас-салоту вас-салом ат-таййибин  
ат-тохирина ва сал-лама таслиман касийран.